



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2004 йил 11 март №49 (3323)

Пайшанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 март куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ижрочи котиби Чжан Дэгуанни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ташкилот доирасида ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

ни тўлиқ ниҳоясига етказилиб, унинг таркибий тузилмалари ишга туширилди — Пекинда котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият бошлади. Энди ШХТ ўзининг вазифаларини бажаришга киришмоқда.

ШХТ минтақада хавфсизлини таъминлаш борасида олти аъзо давлат — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг баҳамжиҳат ҳаракатига йўл очди. Ўзига хос жиҳати шундаки, ташкилотни тузиш мақсадлари сирасига кўп томонлама асосда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам кирди.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТ фаолияти, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШХТ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВ). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ижрочи котиби Чжан Дэгуан ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) директори Вячеслав Косимов билан учрашди.

Сўхбат чоғида тузилма фаолияти билан боғлиқ амалий чора-тадбирларга оид масалалар муҳокама қилинди. ШХТнинг 2003 йил май ойида ўтган Москва саммитида МАТТ Ижроия кўмитасини Тошкентда ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Жорий йилнинг 1 январидан пойтахтимизда мазкур кўмита иш бошлади.

Тузилма ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органи хисобланади. Унинг асосий вазифаси террорчиликка қарши курашишда ташкилотга аъзо давлатлар махсус хизматлари ва ҳуқуқтартибот органлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қурулли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилинсин.

2. 1977-1986 йилларда тузилган, қақирилиш муддатини ўзайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2004 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қақирилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда, Қурулли Кучларнинг қақирлувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида, жойлардаги қақирув комиссияларининг самарали ишлашини, шунингдек Қурулли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга қақирилган фуқароларни кўшиналари тантанали кузатиб қўйишни ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (К.Ф.Фулмонов) билан биргаликда қақирув участкаларини зарур тиббий асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминлаш, қақирлувчиларнинг зарур лаборатория текширувлари ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан сифатли ва ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Қақирлувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги муқобил тиб-

бий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (К.Ф.Фулмонов), Ички ишлар вазирлиги (З.А.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Р.Иноятов), ҳарбий округлар кўшинлари кўмондонлари: муддатли ҳарбий хизматга янгидан қақирилган ҳарбий хизматчиларни кўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юқсак ушшоқликни, ҳарбий интизомни, кўшинларнинг жанговар тайёргарлигини, муддатли ҳарбий хизматга янгидан қақирилган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий мутахассисларга ўқитиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига риоя этилишини, ҳарбий хизматчиларни миллий-маънавий кадрлар ва замонавий ҳарбий аъёнлар асосида маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни;

янгидан қақирилган шахсий тарихи учун зарур уй-жой-маиший шарт-шароитлар яратишни ва жиҳозланишини, уларнинг белгиланган талабларга ва таъминот нормаларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли моддий таъминланишини;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла кўмиталари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаган фуқароларни тантанали кутиб олиш ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.О.Обидов) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Қурулли Кучлардан бўшатирилган фуқароларнинг ўзгалган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

(Давоми 2-бетда).



«Матиз» биринчи ўринни эгаллади

Тошкент (ЎзА мухбири Ж. РАУПОВ). «Матиз» энгил автомобили «Россияда йил автомобили-2003» йиллик мукофоти лауреати бўлиб, «Шаҳар автомобили» йўналиши бўйича танловда биринчи ўринни эгаллади.

Танловга дунёнинг турли мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистондан жами 224 та автомобиль тақдим этилди. Ҳакамлар ҳайъатининг таъкидлашича, бизнинг «Матиз» халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. У кичик ҳажмли бўлишига қарамай, ҳар томонлама қулай, ўзига хос дизайн ва техник афзалликлари билан акрабли туради, шу боис ҳам

биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтда Рос-сиянинг йирик шаҳарларида «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонасининг 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти фаолият олиб бормоқда. «Матиз» лар ишлаб чиқарила бошлангандан бери Россияга 9,6 мингдан ортққ автомобиль экспорт қилинди.

Матбуот конференцияси белгиланган вақтдан бир соат кеч бошланди. Бунинг сабаби бор эди: Москвадан келган таниқли шифокорлар В.Вохидов номли республика ихтисослашган жарроҳлик марказида кетма-кет ўтказган операция маълум вақтни талаб қилди.

«... Малҳам бўлгани келдик»

Шундан сўнг республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Россиянинг А.Н. Бакулеов номли юрак-кон томир жарроҳлиги илмий маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга бағишланган матбуот конференциясида Россия Тиббийет фанлари академиясининг академиги Лео Бокерия бошчилигидаги гуруҳ мутахассислари

Ўзбекистонга қандай мақсадда келганликлари ҳақида гапириб беришди. Москвадан келган меҳмонлар Тошкентдаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда 13 мартгача хайрия тадбири ўтказадилар. Унда кам таъминланган оилаларда юрак нуқсонли билан туғилган болалар операция қилинади.

Р. БОЙТЎРА, «Халқ сўзи» мухбири.

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистонда сўнги ўн йил давомида юз берган кенг қўламли ўзгаришлар иқтисодий муносабатларга мос янги давлат бошқаруви тизимини яратишни тақозо этди. Бу жараён изчил давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Масалан, кенг қўламли хусусийлаштириш давлат мулкнинг салмоқли қисmini хусусий секторга ўшбу мулкни бошқариш ёки унга эгалик қилиш учун бериш имконини яратди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқ. Улкан бюрократик аппарат ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислохотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришга доир саясий ҳаракатларига ҳалақат беради. Бундай ҳолат руй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимини ислох қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қайд этганидек, маъмурий тизимда ислохотларни амалга ошириш пайти келди ва уларни зудлик билан бажариш зарур. Бундан чўқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш наинки қийин, балки асло мумкин эмас.

Иқтисодиётни бошқаришда давлат ролининг қисқариши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 22 декабрдаги «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари Ўзбекистондаги маъмурий ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бўлажак туб ўзгаришларнинг моҳияти ниманда?

Биринчидан, бу — иқтисодиётни бошқаришда давлат ролининг кескин қисқариши, давлат тузилмаларининг хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувиغا барҳам беришидир. Давлат зиммасида давлатнинг фаол иштирокисиз амалга ошмайдиган вазифаларгина қолади. Булар, энг аввало, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалалар, хусусан, макроиктисодий барқарорлик, ислохотлар дастурларини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилишини, ижтимоий соҳада, коммуникациялар тизимида устувор дастурларни амалга ошириш, тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказо.

Иккинчидан, бу — республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисmini маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши демакдир. Вазифаларнинг бу тарзда тақсимланиши, бир томондан, маҳаллий органларнинг белгиланган вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади (аввало, банд-

лик, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга тааллуқлидир), иккинчи томондан, уларнинг самарадорлигини кўчайтиради, зеро ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатлари кимнинг ижтимоий ёрдамга муктож эканлигини яхшироқ билади.

Учинчидан, бу — бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг тақрирланишига барҳам бериш, корхоналар фаолиятини асоссиз назорат қилинишига чек қўйиш, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тад-

биркорлик ривожланишига ҳалал берувчи маъмурий тўсқинларни бартараф этиш, тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнини яқунлашдир.

Туртинчидан, бу — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражага қисқартирилиши демакдир.

Бешинчидан, бу — ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, замонавий маъмурий-ҳуқуқий база яратиш, ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва уларга юқинган вазифаларнинг ижросини баҳолаш шаклларини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислох қилишидир.

Иқтисодиётни бошқаришда давлат вазифаларини қисқартириш, тадбиркорликка янада кенг йўл очиш ҳамда иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш

Ўтказилаётган ислохотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибини қайта

қўриб чиқиш ишлари жадал олиб берилмоқда. Бунда бошқарув тизими самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратида сарфланаётган асоссиз харажатларни қисқартиришга қаратилган қатъий фаолиятга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тажриба шунки кўрсатмоқдаки, марказда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи оdatда вилоятлар ва туманларда ўзининг ҳисоб берувчи бўлимасига эга бўлади, бу эса бошқарув аппаратининг ва техник ходимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Оқибатда, қўшимча назорат органлари пайдо бўлишига, харажатлар қўламини орттиришига, турли хил келишувлар ва кераклик кераксиз ҳужжатбозликларга олиб келади. Булар давлат бошқарувининг айрим органлари фаолиятини самарадорлиги кескин пайсасийинга сабаб бўлади.

Ислохотларнинг асосини ташкил этувчи иқтисодиётни бошқарувнинг янги концепцияси вертикал маъмурий тузилмаларни аниқ вазифаларни бажарувчи мустақил ташкилотларнинг горизонтал тармоғи билан мувофиқлаштирилишини тақозо этади. Бунда шартнома асосида бошқариш, ички ва ташқи аудит каби механизмлар яратилади. Давлат сисъатини шакллантириш масалалари вазирликлар ва давлат кўмиталарида жамланган, уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш агентлиқ, кўмита, инспекция каби давлат бошқарув органлари зиммасига юқланади.

(Давоми 2-бетда).

Навбатдаги электрон буржа савдоси

Ушбу ҳафтанинг сешанба куни республика Товар-хонашиқ биржасида юртимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар учун автомобиль бензини ва дизель ёнлғисини бўйича навбатдаги электрон биржа савдоси бўлиб ўтди. Бундай савдолар пойтахтимизда ва биржанинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар марказларидаги филиалларида ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралда «Махсулотлар, хонашиқ ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатга биноан, эндиликда ҳафтанинг ҳар куни автомобиль бензини, дизель ёнлғисини бўйича савдолар бўлиб ўтади. Қора ва рангли металллар прокати савдолари ҳам ҳар куни ўтказилади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларига қўра, савдога бошқа махсулотлар ҳам қўйилиши мумкин.

Бозор муносабатларининг янги қонун-қондаларига биноан, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз махсулотини ягона электрон биржа ва ким ошди савдосига қўйи-

ши ҳамда эҳтиётдан келиб чиқиб, унинг нархини билиши мумкин. Сешанба куни бўлиб ўтган биржа ва ким ошди савдоларида 1100 тонна қора металл прокати 412,4 миллион сўмга, 233 тонна рангли металл 506,8 миллион сўмга, 17942 тонна пахта толаси 18786,6 миллион сўмга, 1188,5 тонна бензин 407,2 миллион сўмга, 2152,5 тонна дизель ёнлғисини 399,2 миллион сўмга сотилди. Юридик шахслар учун «АИ-76» типидagi бир тонна автомобиль бензинининг нархи 351646 сўм, қўшлоқ хўжалик корхоналари учун эса 293870 сўм миқдоридa белгиланди.

Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сизни қизиқтирган мавзу

Сўнги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва савдо-сотиқ алоқалари кенг ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз Қўшма Штатларнинг стратегик ҳамкори ҳисобланади. Ҳар йили минглаб фуқароларимиз турли юмушлар билан, сайёҳ сифатида АҚШга сафар қилаёпти. Шу билан бирга, минглаб америкаликлар ҳам юртимизга меҳмон бўлиб келмоқда.

Албатта, бу борди-келдилар ўз-ўзидан бўлмади. Бунинг учун турли ҳужжатлар, биринчи навбатда виза керак бўлади. Ҳўш, бугун АҚШга боришга виза олиш тартиби қандай? Бунинг учун қимга мурожаат қилиш керак? Виза олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади? АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси консули Куртис Воттс бу ҳақда муҳиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

лари мумкин. Бу жуда қўлай усуллар. DS-156 электрон анкеталарини тўлдирган кишиларнинг анкеталари навбатсиз қабул қилиниб, уларга тезлаштирилган хизматлар кўрсатилади. Сўбатдан сўнг консул виза беришга қарор қилса, сафарга бормоқчи бўлганларнинг паспортлари санокли дақиқалар ичида қайтариб берилади. Икки бачрани, айнан Интернет тизими орқали виза олишга даъват қиламиз. Эл-

да кўришади. Уларга маошларини тўла тўламасликлари, турли баҳоналарни рўқча қилиб, ҳайдаб юберишлари мумкин. У шўрлик эса, додани ҳеч қимга айта олмасдан бошини эгишга мажбур бўлади, чўнки у АҚШга ноқонуний йўл билан келган. Шу ўринда Иммиграцион визалар лотереяси (DV-2005 Diversity Visa), яъни оддий омма орасида Грин Карта деб аталувчи визалар

бўйича 6 миллионга яқин одамлар ушбу дастурда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказилган. Улар орасида ўзбекистонлик фуқаролар ҳам анчагина. Европа ва Евроосиё минтақаси бўйича Ўзбекистон фуқаролари биринчи ўлиқдан ўрин эгаллаганини сизга мамнуният билан етказмоқчиман. Шўнга кўра 1800 Ўзбекистон фуқароси Грин Карта визалари соҳиби бўлишиди. Бу жуда қўнарли ҳол. Грин Карта ҳақидаги батафсил маълумоти АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси веб саҳифасидан олишиңиз мумкин. Ҳорий йилнинг 5 январидан бошлаб, Америка Қўшма Штатларига виза билан кираётган чет элликларга, АҚШ чегараси хавфсизлигини таъминлаш ва савҳат қилишни энгиллаштиришга қаратилган дастур асосида янги талаблар жорий қилиниб, мамлакатимизнинг 115 аэропорти ва 14 денгиз портларида "US-visit" ("АҚШга-савҳат") деб номланган қондалар ҳаётга

Террорчиликнинг олди олинди

Ироқда шиаларга қарши уюштирилган террорчилик оқибатида 181 нафар одам ҳалок бўлганини аввал хабар қилган эдик. Эрон ҳукуматининг маълум қилишича, Қўшма Штатлар ҳам шу хунрезлик билан бир вақтда амалга оширилиши режалаштирилган террорчиликнинг олди олинган. Қўшма Штатлар мамалякта шиалар таълим оладиган марказ ҳисобланади. IRNA ахборот агентлигининг хабар беришича, разведка вазирлиги полиция билан биргаликда турли қуроллар топан. Вазирлик вакилининг қайд этишича, мазкур қурол ёрдамида шаҳардаги шиалар ибодатхонасига ҳужум қилиш режалаштирилган.

Чегарада тадқиқотлар маркази

Иордания ва Исроил ҳукуматлари икки мамлакат чегарасида тадқиқотлар маркази тузишга келишиб олганини Reuters ахборот агентлиги маълум қилди. Иордания ҳукумати вакилининг айтишича, ушбу марказ ҳеч қандай сиёсий мақсадларни кўзламайди. "Биз Исроил билан тинчлик келишувига эришганимиз. Эндilikда қўшни давлат билан турли соҳада ҳамкорликни ривожлантиришимиз керак", деди вакил. Марказ фаолияти учун икки давлат ҳам ўз чегараларидан жой ажратади. Исроил ҳукумати вакили сўзларига қараганда, ҳозирча мазкур ҳудуднинг мақоми маҳвумлигича қолмоқда.

АҚШга бориш қийинми?

Бошқа барча давлатлар сингари, АҚШ ҳам ўз чегараларини қўриқлайди ва бизнинг мамлакатимизга бормоқчи бўлган ўзга давлат фуқаролари виза олиш шарт. Биздаги тартибга кўра, АҚШга бормоқчи бўлган Ўзбекистон фуқаролари бериладиган виза муддати тўрт йил этиб белгиланган. Худди шундай, АҚШ фуқароси Ўзбекистонга ташириб буюрмоқчи бўлса ҳам тўрт йил муддатга виза олади. Турғибини айтсам, Россия ва Қозғистонликлар бундай ваколатлар йўқ. Тўрт йилга бериладиган виза бу ўша шахс тўрт йил АҚШда доимий яшашни мумкин дегани эмас, балки шу йиллар орасида бемалум бориб келишига рухсатнома, холос. Амалда АҚШга келаётган савҳатчиларга бериладиган энг кўп муддат 6 ой деб қўрсатилади. Айрим вазиятларда маҳаллий муҳожирлик ва фуқаролик бюроси томонидан бу муддат узайтирилиши мумкин.

латиб, ўзларини ноқулай аҳволга солиб қўйишади. Нопонқ фўрибгар воситачилар орқали катта пул эвазига қалбаки ҳўжат туртиламочки бўладилар. Ахир қалбаки иш барибир фош бўлади-қўйди. Мана шундай қалбаки ҳўжат билан АҚШга бормоқчи бўлган кўпгаб одамлар чегарада қўлга олиниб, ўз юртига қайтариб юборилмоқда. Улар бу қилгилари билан ўзларини бутун умр АҚШга кириш ҳўқуқидан маҳрум эдилар. Мен, АҚШга бориш истагидидаги ўзбекистонликларга мурожаат қилиб, элчихона консулигига ўзларининг ҳақиқий ҳўжатларини тақдим этишларини сўрайдим. Ҳеч қачон воситачиларга ишонманг, бундай фўрибгарлардан узоқроқ бўлинг. Агар ҳўжатларинингиз ҳақиқий бўлса, сизда виза олиш имконияти жуда юқори.

ганлик ва ёки никоҳ ҳақида бўлган қариндошларнинг паспортлари нўсхаси ёки Грин Карта соҳиби бўлган қариндошларнинг Грин Картига нўсхаси (қариндошларини зийрат қилгани кетаётганларга) қўшиб топширилган, мурожаат қилувчининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини аниқлаш бирмунча осонлашади. Лекин мурожаат қилувчида ушбу ҳўжатларнинг мавжудлиги виза олиш учун қалфолат бўла олмайдди. Барчаси консул билан ўтказиладиган сўхбат чоғида ҳал бўлади. Интернетдан фойдалана оладиган кишилар DS-156 электрон виза анкетасини интернет орқали жўнатиш-

ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтсам, DV-2005 орқали ҳар йили АҚШга 65000 тагача кишилар келиб кетади. 2003 йили Грин Картага айрим ўғаримлар киритилди. Шу йилдан бошлаб, Diversity Visa лотереяси орқали иммиграцион виза



Ҳар йили консулхонамизга юртингизнинг ўртача 15000 фуқароси виза олиш учун мурожаат қилади. АҚШ визасининг нархи барча мамлакатлар учун 100 доллар этиб белгиланган. Виза пули тўлангандан кейин фуқаро Америкага боришга лойиқ деб топилса, у, албатта, виза олади. Визани расмийлаштириш учун унчалик кўп вақт кетмайди, ҳамма гап виза олувчининг ўзиди. Қўпгина ҳолларда одамлар бу масала бўйича мурожаат қилаётганда элчихонага ҳеч қандай тайёргарликсиз келишади. Шўни ҳам таъкидлаш кераки, ҳоҳида баъзи кишилар виза олиш учун бир-икки кита қалбаки ҳўжатлар иш-

оила аъзоларининг паспортлари, АҚШ фуқароси бўлган қариндошларнинг паспорт нўсхаси "H-1b" анкетаси ҳисобланади. Бунинг АҚШда айрим етишмаётган ишчи касбига эга бўлганлар олади. Лекин кейинги йилларда ишчи вазисига бўлган талаблар тахминан 80 фоизга камайди. Қонуний йўл билан кетаётган шахслар учун бизнинг мамлакатимизда барча эшиклар очик. Улар, эркин ишлашлари ва бу билан АҚШ хавфсизлигига таҳдид солаётган кишиларнинг ушбу дастурдан ўз гаразли нияти йўлида фойдаланишларини олдини олиш мақсадида Давлат Департаменти янги электрон тизимни ишлаб чиқмоқда. Ҳар йил дў-

да асқотади. Саньаторлар ва спортчиларга "р" виза берилади. Лекин визалар ичида асосийси "H-1b" анкетаси ҳисобланади. Бунинг АҚШда айрим етишмаётган ишчи касбига эга бўлганлар олади. Лекин кейинги йилларда ишчи вазисига бўлган талаблар тахминан 80 фоизга камайди. Қонуний йўл билан кетаётган шахслар учун бизнинг мамлакатимизда барча эшиклар очик. Улар, эркин ишлашлари ва бу билан АҚШ хавфсизлигига таҳдид солаётган кишиларнинг ушбу дастурдан ўз гаразли нияти йўлида фойдаланишларини олдини олиш мақсадида Давлат Департаменти янги электрон тизимни ишлаб чиқмоқда. Ҳар йил дў-

олиш мақсадида рўйхатдан ўтмоқчи бўлган барча иш-тироқчилар интернетда махсус ошилган веб саҳифаси орқали рўйхатдан ўттишлари керак. Давлат Департаменти бундан бўён рўйхатдан ўтиш ҳақидаги аризаларни почта орқали қабул қилмайди. Иммиграцион визалар лотереясида қатнашиш жараянини тақомиллаштириш ва қайд қилиш пайтида фўрибгарлик ҳолатларини қаммайтириш ва бу билан АҚШ хавфсизлигига таҳдид солаётган кишиларнинг ушбу дастурдан ўз гаразли нияти йўлида фойдаланишларини олдини олиш мақсадида Давлат Департаменти янги электрон тизимни ишлаб чиқмоқда. Ҳар йил дў-

табтиқ этилди. "US-visit" талабига кўра, чет эллардаги АҚШ консуллик ваколатхоналарида виза беришдан аввал, аривачи жўнаётчилар ёки террорчилар рўйхатида эмаслигини аниқлаш мақсадида, унинг бармоқ излари ва рақамли фотосуратлари олинди. Савҳатчи бизнинг чегарамизга етиб келган, худди ана шу аломатлар — бармоқ излари ва рақамли фотосуратлар ёрдамида 15 сония ичида мекмоннинг шахси аниқланади. Ҳа, мамлакатимизга яшаш нияти билан ташириб буюраётган меҳмонларга юртимиз эшиклари ҳамиша очик.

Халқаро ҳамжамиятга мурожаат

БМТ Гаитига зудлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 35 миллион АҚШ доллари зарурлигини айтиб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилди. Ташкилотнинг маълум қилишича, яқин ярим йил ичида мамлакатдаги 3 миллион аҳолига инсонпарварлик ёрдами зарур бўлади. Уларнинг қўпчилигини аёллар ва болалар ташкил этади. БМТ вакили оролда юз бериши мумкин бўлган навбатдаги талофатнинг олдини олиш учун донор давлатлар зудлик билан ўз ёрдамларини кўрсатиши лозимлигини таъкидлади.



Янги ҳукумат эълон қилинди

Россия президенти Владимир Путин Михаил Фрадков бошчилигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқловчи фармонга имзо чекди. Эндilikда маҳкамда 17 вазир олдинги 30 вазирнинг ишини бажаради. Давлат раҳбарининг ҳукумат аъзолари билан бўлган учрашувда маълум қилишича, "Единая Россия" партияси аъзоси Александр Жуков Бош вазир ўринбосари лавозимини эгаллади. Олдиндан қўрилганидек, маҳкам таркибда Бош вазирнинг фақатгина бир ўринбосари

бўлади. Маълумот ўрнида шўни ҳам айтиб ўтиш лозимки, истеъфога чиқарилган Михаил Касьяновнинг олтинчи ўринбосари бор эди. Ҳукумат девонхонаси раҳбари этиб Дмитрий Козак тайинланди. У 1999-2000 йилларда мазкур лавозимда ишлаган, бироқ ҳозирда президент маъмуриятининг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб келаётган эди. Соҳиб ташки ишлар вазирлиги Игорь Иванов Ҳавфсизлик кенгаши қотибчилигига ўтказилди.

Владимир Путин ўз сўзида, тузилган янги ҳукумат охириги икки йил давомида ўтказилган маъмурий ислохотларнинг ҳосиласи эканлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, бу каби ўғариш ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Президент эндиликда бешта вазирлик — Ички ишлар, Ташқи ишлар, Мудофаа, Факуллоғда вазиятлар ва Адлия вазирликларига тўғридан-тўғри раҳбарлик қилади. Бўгун янги ҳукуматнинг биринчи мажлиси ўтказилди.

Импичмент хабри

Жанубий Кореянинг ҳукуматга муҳолифатдаги икки йирки партияси — Буюк миллий партия ва "Мингйиллик демократлари" мамлакат президенти Но Му Хёнга нисбатан импичмент эълон қилиниши учун курашмоқдалар. Муҳолифат қўлар вакилининг сўзларига қараганда, импичмент эълон қилиниши гоёсини парламент аъзоларининг 159 нафари қўллаб-қувватламоқда. Кореянинг қонун чикарувчи органида 273 депутат борлигини ҳисобга олсак, муҳолифат қўпчилик овоз билан бу жараянни амалга оширишга эришиши мумкин.

Корея миллий асамблеяси вакилининг сўзларига қараганда, импичмент ҳақидаги масала парламентда кўриб чиқиш учун рўйхатда олинган. Бироқ муҳолифат президент истеъфога чиқишига эриши-

Болажон халқ бўлишга чақирик

Сингапурда ҳозир 4 миллион аҳоли яшайди. Лекин туғилиш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, сўнги вақтларда ҳар йили ўртача 50 минг бола дунёга келяпти. Бу сановати гурираб ривожланмаётган мамлакат учун етарли эмас. Аҳоли шу даражада қўпладиган бўлса, яқин вақтларда корхоналарда ишчилар етишмай қолади. Муаммо хатто давлат раҳбарларини ҳам таъвишга солмоқда. Яқинда мамлакат Бош вазирлиги Го Чок Тонг миллатга мурожаат билан чиқди. У ўз сўзида аҳолининг миллий аънаналарга содиқ қолиб, болажон халқ бўлишга, ишларни эса оила қуриб, кўпроқ фарзанд кўришга чақирди.

Сиёсий инқироз барҳам топди

Латвия парламенти — Сейм Индулис Эмисс бошчилигидаги коалицион ҳукуматни тасдиқлади. Шу билан Латвиядаги сиёсий инқироз барҳам топди. Янги ҳукумат уч партия — Фермерлар ва Яшиллар иттифоқи, Халқ консерватив партияси ҳамда Биринчи христиан-демократлар партияси вакиллари билан тузилди.

Шумахерга ҳайкал ўрнатилди

Германияда "Формула-1" пойғалари бўйича 6 қарра жаҳон чемпиони Михаэл Шумахер ва унинг "Феррари" русумли машинасига



Ўйиндан ташқари ҳолат

ди. Машинанинг ҳақиқий шакли сақлаб қолинади, — дейди ҳайкалтарош Йоахим Матц. — Бундан ташқари, ҳайкалнинг орқа томонида автопойга мусобақаларида юқори натижаларга эришган спортчиларнинг бюстлари акс эттирилади.

Эвандер Холифилд яна рингда

Ута оғир вазнда соҳиб жаҳон чемпиони Эвандер Холифилд ақин орада ўз менежерларини ўзгартириб, яна рингда қайтиш нияти борлигини билдирди. "Мен сўнги саккизта "жанг"имнинг фақат иккитасида галаба қозондим. Демак, бундай муваффақиятсизлигимда менежерларимнинг айби бор", — дея ўз қарорини изоҳлади боксчи. 41 яшар спортчи ҳали ҳам ўз кучига ишонади. У

Энг машҳур 100 футболчи

Футбол қироли Пеле ҳозир ҳаёт бўлган 100 нафар энг машҳур футболчилар рўйхатини эълон қилди. Кутилганидек, рўйхатнинг 15 фоизини бразилияликлар ташкил этади. Улар орасида Пеле билан бир вақтда тўп сурган Нилтон Сантос, Карлос Албертодан

Дилмурод ПАРПИБ тайёрлади.

ҳайкал бунёд этилиши бошлаб буюрилади. Бу ҳақда Германия оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Уларда айтилишича, ҳайкал Берлиндан унча узоқ бўлмаган Вансдорф шаҳарчасида қад ростлайди. — Лойҳага кўра, Шумахер "Феррари"нинг олдида турган ҳолатда тасвирлана-

айни пайтда Леннокс Льюиснинг соҳиб устози Эммануэл Стюарт қўл остида шуғулланмоқда.

тортиб ҳозирги кунда дунёнинг энг яхши футболчилари, деб тан олинган Роберто Карлос ва Роналдо ҳам бор. Рўйхатда 14 нафардан французлар ва италияликлар, 13 нафар голландиялик футболчи тилга олинган. Футбол қироли французлардан Жюст Фонтен, Мишел Платини ва Зинаддин Зиданга алоҳида тўхталган. Голландиялик машҳур ўйинчилар рўйхати бошида Йохан Круифф турибди. Аргентина терма жамоасининг жаҳон чемпионлигига эришишида катта хиссаларини кўшган Алфредо Ди Стефано ва Диего Марадона ҳам Пеленинг эътиборидан четда қолгани йўқ. Қизғи шундаки, Пеленинг рўйхатда икки аёл футболчининг ҳам номи қайд этилди. Улар америкалик Миа Хамм ва Мишель Аккерсдир.

Advertisement for 'Ўзуйжойжамфармабанк' (Uzuijoyjamfarmabank) featuring a logo and text about services and contact information.

Advertisement for 'ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ' (State Architecture and Construction Committee) listing various construction and renovation services.

